

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета № 249 (1575), 2025 йил 2 декабрь, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ЭКОЛОГИК БАҲҚАРОРЛИК, ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ВА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурда йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда экологик баҳқарорлик, шу жумладан, чиқиндиларни қайта ишлаш масалалари атрофида кўриб чиқилди, шунингдек, мутасаддиларнинг қишга тайёрлик юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Аввало, Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича махсус комиссиянинг ҳисоботи тингланди. Ҳаво ифлосланишига қарши кўрилатилган, ифлосланиш манбаларини аниқлаш ва уларни бартараф эттиш йўналишида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, охириги кунларда мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб совуқ антициклон таъсири кучайиб бормоқда. Натижада ҳаво босими ошиб, ҳарорат пайсамоқда, инверсия ҳодисалари кучаймоқда. Бундай шароитда ҳаводаги майда зарралар юқорига кўтарилиб, пастки қатламларда тўпланиб қолмоқда. Метеорологик шароитлар туфайли ҳавонинг табиий тозаланиш суръати секинлашмоқда.

Сўнгги кунларда ҳавони ифлослантираётган манбаларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берилди. Иссіқхоналар, қурилиш майдонлари, автотранспорт воситалари ва ноқонуний фаолият юритувчи объектлар юзасидан ўтказилган текширувлар, шаҳар бўйлаб кўчаларни намлаш, ариқларни тозалаш, фаввораларни ишга тушириш каби баҳқарорлаштириш тадбирлари шулар жумласидан. Кучайтирилган тартибда рейдлар ва профилактика ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз мазкур чораларни нафақат пойтахтда, балки ҳудудларда ҳам тизимли давом эттириш, аниқланган қонунбузарликларни тезкор бартараф этиш, ҳавога таъсир кўрсатувчи барча омилларни қатъий назорат остига олишни топширди.

Машиий чиқиндилардан электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича 933 миллион долларлик лойиҳалар 6 та ҳудудда — Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарь ва Тошкент вилоятларида бошланган, аммо бошқа вилоятларда бу борада жиддий ҳаракат кузатилмапти. Бошланган лойиҳаларда ҳам инвесторларни инфратузилма — йўл, электр, сув билан таъминлаш ишлари талаб даражасида эмас.

Вилоятлар ҳокимликлари ва Экология ва иқлим ўзгариши миллий кўмитасига камчиликларни бартараф этиб, келгуси йилда қолган ҳудудларда ҳам шундай лойиҳаларни бошлаш топширилди.

2030 йилгача машиий чиқинди полигонларини 50 фоизга қисқартириш белгиланган. Сўнгги йилларда 47 та полигон фаолияти тугатилиб, рекултивация қилинди, натижада 243 гектар ер табиатга қайтарилди.

Лекин ҳозирда ишлаётган 132 та полигоннинг ақсариятида ҳалигача химоя деворлари, “яшил белбоғ”, сув таъминоти ва экологик хавфсизлик иншоотлари ташкил этилмагани кўрсатиб ўтилади.

Бу атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатяпти ва аҳоли эътирозларига сабаб бўляпти. Шу боис, машиий чиқинди полигонларини экологик хавфсиз ҳудудга айлантириш зарур. Биринчи навбатда, одамларнинг соҳадан розилигига эришишимиз керак. Бу масалага фақат чиқиндини бошқариш эмас, балки санаят, энергетика, экологик маданият билан узвий боғлиқ йўналиш сифатида ёндашиш лозим, — деди давлатимиз раҳбари.

ЎЗА

ЭКСПОРТНИ ОШИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ МУҲИТ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 1 декабрь куни экспорт салоҳиятини ошириш ва тадбиркорларнинг давлат хизматларидан фойдаланишини соддалаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Ўзбекистон 2030 йилга қадар экспорт ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйган. Мазкур кўрсаткичга эришиш учун аънавий бозорлар билан чекланмасдан юқори маржали янги бозорларга чиқиш зарур.

Бу борада ташқи бозорлардаги етакчи истеъмол сегментлари ва юқори талабга эга маҳсулотлар бўйича чуқур таҳлил олиб борилди. Натижада қурилиш материаллари, енгил санаят, электротехника, озиқ-овқат, машиий кимё, машинасозлик ва металлургия оид йўналишларда экспортни янада ошириш учун мамлакатимизда қатта захира ҳамда имконият борлиги аниқланди.

Шу муносабат билан тақдимотда истиқболли бозор ҳисобланган мамлакатлар билан имтиёзли савдони йўлга қўйиш, савдо-иқтисодий муносабатларни фаоллаштириб, экспорт-импорт ҳажми ўсишига мос равишда чегара ўтказиш пунктлари инфратузилмаси ва қувватини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Мутасаддилар маҳсулотларимизнинг ташқи бозорларда эгалланган ўрни, талаб юқори бўлган товар турлари, хорижий шериклар билан амалга оширилаётган ҳамкорлик лойиҳалари ҳамда экспортни диверсификация қилиш бўйича бажарилаётган ишлар юзасидан ахборот берди. Мажмуа салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш, янги бозорларни очиб ва ташқи савдо механизмларини соддалаштириш топширилди.

Бугунги кунда 81 та давлат идораси томонидан тадбиркорларга 739 турдаги хизматлар кўрсатилмоқда.

ЎЗА

Лекин 576 турдаги хизматлар тарқоқ ҳолда кўрсатилгани учун тадбиркорлар ҳужжат йиғиб, идорама-идора сарсон бўлаётгани кўрсатиб ўтилди. Масалан, гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун 17 та босқичдан ўтиш, 10 та идорага бориш керак.

Шу билан бирга, бухгалтерия, солиқ, экспорт ва сертификатлаш бўйича консалтинг хизмати кўрсатадиган ягона хусусий сервис майдони мавжуд эмас. Бундай хизматларни банклар, сугурта компаниялари, биржа, брокерлар ва логистика операторлари, бизнес таълими ҳамда тренинг дастурлари билан интеграция қилиш мумкин.

Тақдимотда тадбиркорлар учун барча давлат ва хусусий хизматларни бир жойга жамлайдиган “Бизнес ҳамроҳ” марказларини очиб тақдир қилинди.

Режага кўра, Савдо-санаят палатаси ҳузурда ташкил этиладиган марказларда барча давлат ва хусусий хизматларни “ягона дарча” тамойили асосида бир жойда, ягона электрон платформа орқали кўрсатиш йўлга қўйилди. Тадбиркорларнинг мураккаб савдо-иқтисодий муносабатларига “колл-марказ” ҳам ташкил этилади.

Президентимиз тақдирни маъқуллаб, марказ тадбиркорлик субъектини ташкил этишдан тортиб, фаолиятини йўлга қўйиш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва экспорт қилишгача бўлган барча соҳаларни қамраб олиш зарурлигини таъкидлади. Мутасаддиларга бу борада тегишли топшириқлар берилди.

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт ва космос соҳаларида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш бўйича олиб борилётган ишлар тақдироти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг октябрь ойида қабул қилинган “Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан юртимизда бу борада зарур инфратузилма барпо этиш ҳамда кадрлар тайёрлаш учун барча шароитлар яратилди.

Жумладан, 2030 йилгача стратегия тасдиқланиб, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурда тегишли марказ очилди. Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш учун зарур хизматлар инфратузилмаси барпо қилинмоқда. Жумладан, АҚШнинг “Nvidia” компанияси билан ҳамкорликда супер компьютер кластерини ишга тушириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Тиббиёт соҳасида сунъий интеллект бўйича 5 та лойиҳа жорий қилинмоқда. Хусусан, инсуль, кўкрак саратонини сунъий интеллект ёрдамида аниқлаш орқали диагностика вақти 80 фоизга тежалди, ҳаёт учун хавфли ҳолатлар барвақт аниқланмоқда.

Президентимиз бу етарли эмаслиги, сунъий интеллект ёрдамидаги диагностика ишлатиш мумкин бўлган касалликлар турини янада кенгайтириш зарурлигини қайд этди.

Шу муносабат билан хорижий ҳамкорлар билан биргаликда республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида жигар, ўпка ва простата беиз саратони, инфаркт ҳамда мураккаб суяк синишларини диагностика қилишда тиббий суратларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш тизимларини жорий этиш режалаштирилди.

Келгуси ўқув йилидан мактаб, техникум ва олийгоҳларда ўқувчи ва талабаларга сунъий интеллектни ўқитиш бошланади. Бунинг учун информатика ўқитувчилари тайёрланмоқда. Лекин фақат уларни эмас, бутун мактаб жамоасини сунъий интеллектдан фойдаланишга ўргатиш, ўқитувчиларнинг юкмасини камайтириш

кераклиги кўрсатиб ўтилди. Шунда ўқитувчида ўз устида ишлашга кўпроқ вақт қолади, дея таъкидланди йиғилишда.

Тақдимотда бу борадаги янги ёндашувлар кўриб чиқилди.

Жумладан, мактаб таълими учун сунъий интеллектга асосланган платформани жорий қилиш тақдир қилинди. Бунда ўқитувчининг виртуал ёрдамчиси ишлаб чиқилади ва платформага интеграция қилинади. Ушбу ечим ўқитувчиларга мавзуга доир маъруза матнлари, тақдиротлар, тестлар, дарс режаларини тузиш, имтиҳон жараёнларини назорат қилишда кўмаклашади.

Йиғилишда ҳокимларнинг рақамли технологиялар ва сунъий интеллект бўйича маслаҳатчиларининг малакасини ошириш дастури ҳақида ахборот берилди.

Транспорт соҳасида ҳам сунъий интеллект лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, сунъий интеллект ёрдамида йўллардаги қондабузарликларни автоматик аниқлаш, вагонларнинг ҳолатини мониторинг қилиш орқали темир йўлда авариялар хавфини камайтириш бўйича тақдирот тақдимот қилинди.

Бундан ташқари, космик технологиялар бўйича янги ташаббуслар ишлаб чиқилган. “Samarqand-2028” сунъий йўлдошини ишлаб чиқиш ишларининг бориши кўриб чиқилди. Ерни масофавий зондашга мўлжалланган мазкур йўлдош учун сунъий интеллект модули ишлаб чиқилди. Йўлдош олган суратларни ҳаво сифатини бирламчи баҳолаш, қишлоқ ҳўжалиги эканлиги ва ўрмонларни мониторинг қилишда қўлайлиқ мумкин бўлади.

Тақдимот якунида давлатимиз раҳбари кўриб чиқилган лойиҳалар ижросини жадаллаштириш, сунъий интеллект технологияларидан иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада фойдаланишни кенгайтириш юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

ЎЗА

Ноябрь сарҳисоби

СИЁСИЙ ИРОДА ВА ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯ ЗАМИРИДАГИ ХАЛҚПАРВАРЛИК

ЁХУД МУҲИМ БЎЛМАГАН ИШНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ

Бир кам саксон йилга отам телеканаллар орқали бериладиган ахборот дастурларининг бирортасини ўтказиб юрмайди. Камга набарларига айтиб, айрим сайтларнинг янгиликлар тасмасига уланиб олган. Хуллас, кўпчилик бир кўлида телевизор пульта, иккинчисиде мобил телефон — янгиликларни кузатишни, сиёсий-иқтисодий воқеалардан хабардор бўлиб боришни яхши кўради. Яқинда отам билан суҳбатимиз кўйилганда кечди:

- Охириги пайтда юртда жуда оламшумул ишлар бўляпти-да, шуларни газеталарингизда ёзасизларми?
- Ҳа, дада, ёритилди.
- Ҳаммаси саҳифаларга сунъитими? Воқеалар кўлами жуда кенг-да. Шунга сўрайтман.
- Сияғпти, энг муҳимларини бафасил ёритамиз.
- Давлат раҳбарининг тиним билмай қилаётган ишлари орасида номуҳим йўқ-ку.



Президентимизнинг халқро миқёсда тан олинган лидерлиги, давлат раҳбари сифатидаги кучли сиёсий иродаси, ўзининг аниқ позициясига эга экани, бу позиция замирида халқимиз манфати муваққатлиги кўнглига нур индиради. Қатъий сиёсат, метин ирода, тинимсиз саъй-ҳаракатлар туфайли нанки мамлакат ва минтақамиз, балки бутун дунё учун аҳамиятли тарихий воқеаларга гувоҳ бўлялми.

Давлатимиз раҳбари 6 ноябрь куни АҚШ-га амалий ташири дорасида Президент Дональд Трамп билан учрашув ўтказди. Президентимиз дастлаб Ок уйинг Фахрий меҳмонлар китобида қайд ёзиб қолдириди. Сўнг овал кабинетда ўтказилган етакчилар музокарасида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, сиёсий мулоқотни мустақамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданият-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давоми 3-бетда

КОНСТИТУЦИЯ — ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ КАФОЛАТИ



5

Тожикистондан мактуб

БЕШ БАРМОҚ БИРИКСА, МУШТ БЎЛАР

Ўзбекистон Президентининг “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласини ўқиб...


Ҳар қандай давлат ва миллатнинг ҳар бир даврда ўз йўлбошчиси бўлади. Мамлакат ва миллатнинг фаровонлиги, обрў-эътибори, келажаги кўп жиҳатдан шу етакчига боғлиқ экани ҳам ҳақиқат. Ўта донишманд ва сиёсий баркамол давлат раҳбари шу мамлакат фуқароларининг бахти, фахридир.

Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёев кўп миллатли Ўзбекистон халқига Парвардигор иноят қилган улғў йўлбошчи экани ҳеч кимга сир эмас. Бугун бутун жаҳон Ўзбекистонга ҳавас билан қараётди. Бунинг сабаби мамлакат етакчисининг машаққатли меҳнати ва донишмандлик қобилиятидир. Мамлакатга борган ҳар бир меҳмон буни чин дилдан ҳис этади, сезади. Шавкат Мирзиёев нафақат Ўзбекистонни янги йўлга бошлади, балки бутун Марказий Осиё раҳбарларининг бошини бириктира олди.

Давоми 2-бетда

Тожикистондан мактуб

БЕШ БАРМОҚ БИРИКСА, МУШТ БЎЛАР



КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҚАДРИ, ЭРКИНЛИК, ТЕНГЛИК ВА АДОЛАТ ГАРОВИ!

УМУМБАШАРИЙ, УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР АКС ЭТГАН ҲУЖЖАТ



Ўзбекистон Президентининг “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласини ўқиб...

Бошланиши 1-бетда

Шундай қилиб, кўҳна минтақамиз янги Марказий Осиёга айланди. Ўзбекистон йўл-бошчисининг йироқни кўзлаган адолатли ва донишмандона тактик ҳамда стратегик сиёсати кўпларни мафтун этди.



Неъмат Муҳаммад САИД, Тожикистон матбуоти аълочиси, шоир

шундай кунларни бошдан ўтказган бўлсак?! Тарихин ижобий томонга ўзгартирса бўлар экан-ку!

Президентнинг мақоласини ўқир эканман, унда олий даражадаги режалари кўрдим. Булар беш етакчи томонидан айтилган мундарида ва сўзсиз бажарилшига ҳам ишончим комил.

Шавкат Мирзиёевнинг ҳар катта-кичи имкониядан унумли фойдаланиши беш давлат раҳбарлари орасидаги муносабатларни янада самимийлаштиришга қулай муҳит ҳосил қилди.

сиёсатда маслаҳатли ва келишилган ҳолда йўл тутиш тўғриси деб топилаётир. Ахир бу қадимий минтақадан Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улугбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Махтумқули, Абай, Чингиз Айтматов сингари жаҳонга таниқли мутафаккирлар етишиб чиққан.

Омон бўлсак, 2040 йилгача мўлжалланган оламшумул режаларнинг амалий натижасини ҳам кўрамиз, албатта. Бунга ишонч бор. Аминманки, чегаралардаги ўтиш-қайтиш билан боғлиқ вазият янада оsonлашади.

Бу фикрлар Президент Шавкат Мирзиёев мақоласининг руҳидан шундайгина сезилиб турибди. Мақола мавзуда жуда муқобил ёзилган, унда нафақат янги Ўзбекистон, балки Марказий Осиё давлатлари ва халқларининг ўтмиши, бугуни ва порлоқ келажагига ҳолисона баҳо берилган.

Хуллас, Ўзбекистон Президенти ижобий янгиликни жараённинг ташаббускори сифатида таниди. Буни бутун дунё очик-ойдин тан олмақда ва эътироф этмоқда.



Янги таҳрирдаги Конституция инсон ҳуқуқларининг кафолати сифатида демократик ва инсонпарвар давлатни шакллантиришнинг стратегик дастури вазифасини ўтамоқда. У энг тараққий топган, ривожланган давлатларнинг конституциявий тажрибаларига таяниш билан бирга тарихда синналган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзига муҳасам этган ҳужжатдир.



Дилмурод АРТИКОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ишловчи ва халқчил қонунларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2024 йил 18 ноябрдаги биринчи мажлисида бу борада муҳим масалаларни илгари сурганди.

Шундан келиб чиқиб, бугун парламент томонидан тўғридан тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро механизмларига эга қонунлар қабул қилиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифати янги қонунларнинг Конституцияга, миллий қонунчилик, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари мувофиқлигини таъминловчи тартиб-таомил ва механизмлар самарадорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

2025 йил 10 апрель кунини “Қонунлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш ва кўриб чиқиш тартиби тақомиллаштирилиши билан Ўзбекистон Республикасининг Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Шунингдек, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига ўзи киритган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинганга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақлиф киритиш орқали уни қақриб олиш ҳуқуқини берилиши ҳуқуқий асоси белгиланди.

Албатта, ушбу ўзгаришлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти сифатини ошириши, қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини мустақамлашга хизмат қилиши билан бир қаторда бош қонунимизда белгиланган ҳуқуқий давлатчилик гоиларини амалга оширишда муҳим асос вазифасини бажаради.

Ўтган йилларда мамлакатимизда иқтисодий дини жадал ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида кенг қўламли ишлар қилинди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли жабҳаларида либераллаштириш, очиклик ва ошқораликни таъминлашнинг тизимли чоралари қўрилди.

Асосий қонунимизда давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш ҳамда тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил танлашга ҳақиқи экани белгилаб қўйилган.

Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойида иқтисодий прогноздан анча юқори суръатда — 7,6 фоиз ўсди. Натижада нуфузли халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимиз иқтисодий истиқболларини юқори баҳоламоқда.

Ўнг асосийси, аҳоли даромади 18,4 омонатлар 35,3 ўртача иш ҳақи эса 19,2 фоиз ўсди. Ўз навбатида, бу аҳоли ва бизнес ўртасида ишонч муҳити мустақамлангани, янги иш ўринлари ва даромад манбалари кенгайтирилгани кўрсатмоқда.

Қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлашда бизнес учун бюрократия, оврагарчилик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда бюрократияни қисқартиришга қаратилган 9 та фармон ва қарор қабул қилинди. Давлат хизматлари марказлари, Ягона портал платформаси, “Рақамли ҳукумат” каби тизимларнинг ташкил этилиши натижада давлат хизматлари халқимиз учун янада қулай, тезкор ва шаффоф бўлмоқда.

Давлат хизматлари экстерриториал тамойил асосида кўрсатила бошлади. Шунингдек, “Бизнесни 15 дақиқада бошлаш” тамойили амалиётга жорий этилмоқда.

Ўтган йилларда мамлакатимизда иқтисодий дини жадал ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида кенг қўламли ишлар қилинди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли жабҳаларида либераллаштириш, очиклик ва ошқораликни таъминлашнинг тизимли чоралари қўрилди.

Нуқтаи назар

БИР УММОН САРИ ОҚАЁТГАН УЛКАН ДАРЁ

Марказий Осиё бугун яхлитликда, ҳамжиҳатликда ривожланиши мақсад қилган ва шу мақсад йўлида дадил одимлаётган минтақа. Президентимизнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласида айна жиҳатлар кенг таҳлил қилиб берилди.

Мақолада Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцияси илмий жиҳатдан асосланган, ўрганиладиган модель сифатида тақдим этилди.

гуманитар алоқалар халқларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва дўстлик ришталарини янада мустақамлаб, янги авлодда умумий минтақавий ўзлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

транзит вақти 10-15 кундан 3-5 кунгача қамаяди, юк ташиш нархи 30-40 фоиз арзонлашади. Бу орқали нафақат миллиардлаб долларлик иқтисодий фойда, балки Афғонистоннинг 40 миллион аҳолиси учун реал иш ўринлари, инфратузилма вужудга келади.

Сув-энергетика соҳасидаги қатор лойиҳалар, жумладан, Қамбарота-1, Рогун ГЭСлари, Чашма булоғи, Қайроққум сув омбори бўйича келишувлар ресурсларини бошқаришда ҳамкорликни кучайтиради.

Иқтисодий кўрсаткичлар саккиз йилда ялпи ички маҳсулот 2,5 баравар (520 миллиард доллар), ўзаро савдо ҳамми 2 баравар (11 миллиард доллар), ўзаро инвестициялар қиймати 5,6 баравар ошганида намоён бўлди. Бу жаҳон ўртача ўсишдан 2 баравар юқори натижа бўлиб, асосийси, бунга минтақанинг ички ресурслари ҳисобидан эришилди.

Ўтган йилларда Конституциямизда белгиланган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг қонунчилик базаси мустақамланди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмени) тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши бу борада муҳим қадам бўлди.

Шунингдек, мақолада биринчи марта “Марказий Осиё ўзига холилиги” ҳақида сўз борди. Минтақада аҳолининг 62-65 фоизи 35 ёшгача ёшлардан иборат. Ички туризм 80 фоиздан ошди. ID карта билан эркин ҳаракатланиш мумкин. Ёшларнинг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти ошган.

Халқимизда “Қўшнинг тинч — сен тинч” деган мақол бор. Шу маънода, мақолада Афғонистон масаласига ҳам кенг эътибор қаратилгани диққатга сазовор. Афғонистонни минтақавий жараёнлардан ажратиб бўлмайди. Бу оддий сиёсий ибора эмас, балки географик, иқтисодий ва хавфсизлик нуқтаи назаридан исботланган ҳақиқатдир.

Афғонистонни муаммо эмас, имконият сифатида кўриш — бугунги Марказий Осиёнинг энг катта стратегик ютуғи. Президентимиз мақоласида бутун минтақани янги давр чўқур таҳлили, мазмун-моҳияти билан эътиборга молик. “Биз девор эмас, кўприк қурмоқдамиз” деган оддий, аммо чўқур фалсафий иборанинг илмий асосланган шакли.

Янги Марказий Осиё — умумий уйим, умумий орузмиз ва гуруримиз. Бу уйда ҳар бир халқ ўз ўринини топади, ҳар бир ёш ўз келажагини кўради.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, Фарғона давлат университети ректори



Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш ва кўриб чиқиш тартиби тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Маҳалла юриби, янги ташаббусларни топиб, одамлар фаровонлигига масуул бўлган вилоят, туман ҳокимлари ва ходимларнинг моддий-техник имкониятлари тубдан яхшиланиши билан боғлиқ. Жорий йил бошдан ишшилик 4,9 фоизга тушди. Эҳтиёжманд 302 минг оила камбағалликдан чиқди. Йил якунигача камбағаллик даражаси 6 фоизгача қамқайиш қутилмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий ислохотлар ҳақида гапирганда, спорт соҳасини айтмасликнинг иложи йўқ. Сўнгги саккиз йилда бюджетдан спортга берилган йиллик маблағ 250 миллиард сўмдан 3 триллион сўмга ошди. Маҳаллаларда, айниқса, чекка-чекка ишқоқларда 2000 га яқин спорт майдончаси барпо этилди, уларнинг сони ҳар йили 500 тага ошириляпти.

Шунингдек, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига ўзи киритган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинганга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақлиф киритиш орқали уни қақриб олиш ҳуқуқини берилиши ҳуқуқий асоси белгиланди.

Бу ишлар юртимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришиши ва спортга юксак даражада ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши учун мустақамлашга зарур бўлади. Жумладан, Парижда ўтган олимпия ва паралимпия ўйинларига спортчиларимиз чинакам жасорат кўрсатиб, 13-ўринни эгаллагани таҳсинга сазовор. Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг илк бор жаҳон чемпионатиغا йўланмани қўлга киритгани ҳам халқимиз 34 йил кутган тарихий воқеа бўлди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг ҳаётга татбиқ этилиши янги Ўзбекистоннинг ўз олдига қўйган устувор мақсадларини амалга ошириш, жамиятни янада тараққий эттириш, фуқароларнинг эркинликларини, ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини тўлақонли таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ноябрь сарҳисоби

СИЁСИЙ ИРОДА ВА ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯ
ЗАМИРИДАГИ ХАЛҚПАРВАРЛИК

ёхуд муҳим бўлмаган ишнинг ўзи йўқ



Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ етакчиларининг “С5+1” форматдаги саммитида иштирок этди. Доналд Трамп раислигида ўтган тадбирда Қозғоғистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон ва Туркманистон давлат раҳбарлари ҳам қатнашди. Мамлакатимиз етакчиси минтақавий савдо, транспорт ва энергетика соҳаларини ривожлантиришнинг самарали механизмига айланган “С5+1” форматдаги саммит Марказий Осиё ва АҚШ ўртасидаги стратегик мулоқотни ривожлантиришда янги босқични бошлаб беришини таъкидлади.

“С5+1” формати доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида давлатимиз раҳбари қатор ташаббусларни илгари сурди. Аввало, иштирокчи мамлакатларда навбати билан жойлаштириладиган, доимий фаолият юритадиган Котибиятни таъсис этиш ташлифи билдирилди.

Давлат идоралари, компаниялар ва молия институтлари ўртасида тизимли мулоқотни таъминлаш мақсадида вазирлар даражасида Инвестициялар ва савдо бўйича муваффақлаштирувчи кенгаш тузиш муҳимлиги кайд этилди. Шунингдек, “Марказий Осиё инвестицияни шериклиги” жағмарасини ишга тушириш долзарб экани таъкидланди.

Сиёсат оламидаги мазкур салмоқли воқеадан сўнг АҚШ Президенти Доналд Трамп ижтимоий тармоқдаги саҳифасида қуйидаги постни ёзиб қолдириди: “Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасидаги мисли кўрилмаган савдо-иқтисодий келишувни эълон қилганидан мамнунман. Яқин уч йил ичида Ўзбекистон Американинг муҳим минераллари, авиация, автомобиль бутловчи қисмлари, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва кимё, ахборот технологиялари ва бошқа муҳим тармоқларига қарийб 35 миллиард доллар, келгуси ўн йилда эса 100 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритишга ва харидларни амалга оширади.

Мен Ўзбекистоннинг юксак ҳурматли Президентини Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдираман. Мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ мuddатли ва самарали муносабатларни интизорлик билан кутамиз”.

Мазкур ташриф натижаси ўлароқ, яъни “С5+1” саммити доирасида мамлакатимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари ва Америка томони билан келишган ҳолда АҚШ Президенти вакили ҳамраислигида Америка-Ўзбекистон ишбилармонлиги ва инвестиция кенгашини ташкил этиш бўйича келишувга эришилган эди. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари 12 ноябрь кунини “Америка-Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгашини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони имзолади.

Хужжатда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги манфаатли савдо-инвестициявий ва тижорат алоқаларини янада кенгайтириш ва мустақамлаш ҳамда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ушбу йўналишдаги ишларни самарали ташкил қилиш кабилар назарда тутилган.

2

БМТнинг Фан, таълим, маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси сўнгги қўрқ йилда биринчи марта Парижда жойлашган қароргоҳидан ташқарида — қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган том маънодаги тарихий воқеадир. Бу халқаро анжуман ҳам давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва саяё-ҳаракати билан ўтказилди. Унда 180 дан зиёд мамлакатдан 4600 вакил иштирок этди. Ушбу анжуман ЮНЕСКО Бош конференцияси сессияларида энг кўп вакил қатнашган тадбир сифатида эътироф этилди.

Президентимиз тадбирнинг очилиш маросимидаги нутқда қайд этганидек, бундай нуфузли анжуманинг Самарқандда ўтказилгани дунё ҳамжамиятининг янги Ўзбекистондаги кенг қўллами, жадид ислохотлар ва уларнинг натижаларини кўришга қизиқиши, ишончи ортиб бораётганидан далолат.

Икки ҳафта давомиде Бош конференция сессияси мажлислари билан бир қаторда 150 дан зиёд семинар, конференция, халқаро кўргазма ва бошқа тадбирлар бўлиб ўтди. Бир неча муҳим қарор қабул қилинди. Анжуманда мазкур

халқаро ташкилотнинг янги Бош директори сайланди. Ушбу лавозимга мисрлик олим ва сиёсий арбоб Ҳолид ал-Ананий муносиб кўрилди.

Президентимиз 12 ноябрь кунини Ҳолид ал-Ананийни қабул қилди ва янги лавозим билан табриклаб, келгуси фаолияти муваффақиятли бўлишига тилак билдириди. 2017 йилдан бунён ЮНЕСКОга раҳбарлик қилиб келган Одрин Азуле хоним Президентимиз фармонига биноан Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасида фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни мустақамлаш, халқимизнинг бой маданий меросини кенг оммалаштириш ишларига қўшган катта ҳиссаси учун давлатимизнинг “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.

3

Кузнинг сўнгги ойда мамлакатимизда яна бир тарихий воқеа рўй берди. 13 ноябрь кунини Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказида “Марказий Осиё: умумий маънавий-маърифий мерос — умумий келажак” мавзусида халқаро конгресс бўлиб ўтди. Президентимиз конгресс иштирокчиларига табрик йўллади.

2017 йилдан бунён Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ўтказиб келинади. Мазкур учрашунинг еттинчиси 16 ноябрь кунини Тошкентда бўлиб ўтди. Унга раислик қилган давлатимиз раҳбари минтақавий ҳамкорликни мустақамлаш бўйича қатор муҳим тақлифларни илгари сурди. Саммитда Озарбайжон Республикаси ушбу форматта тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди.

Учрашув арафасида Президентимизнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Унда минтақимиз давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги натижалари аниқ мисоллар асосида таҳлил қилинган, келгусидаги вазифалар белгилаб берилган. Мақолада, жумладан, бундай сатрлар бор: “Маслаҳат учрашувлари формати йўлга қўйилган 2017 йил минтақавий ҳамкорлик тарихида тўб бурилиш ясади. Минтақа етакчилари кўп йиллар мобайнида биринчи марта ташқи воситачиларсиз тизимли ва мустақам мулоқотни бошлади. Бу ишончга, очкилик ва умумий манфаатларни янгилашга асосланган янгича сиёсий тафаккур рамзига айланди. Айнан Маслаҳат учрашувлари доирасидаги мулоқот туфайли эски даврдан қолган бир қатор келишмовчиликларни бартараф этиш ва ишончсизликдан ҳақиқий ҳамкорликка ўтишга эришилди”.

Дарҳақиқат, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг доимий учрашувлари, ўзаро очик мулоқотлари нақадар юксак натижалар бераётгани, улар минтақимиз аҳолиси манфати учун хизмат қилаётганини халқларимиз ўз ҳаётида кўриб турибди. Бу ҳамкорлик давлатлари-миз тараққиётида ҳам ифодасини топмоқда.



Марказий Осиё давлатлари Президентлари — Шавкат Мирзиёев, Қосим-Жомарт Тоқаев, Эмомалӣ Раҳмон, Садрӣ Жапаров ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев 15 ноябрь кунини Ислам цивилизацияси марказига ташриф буюрди.

17 ноябрь кунини Кўксарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президентини Сердар Бердимухамедовнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Ушбу ташриф сўнгги йилларда намунали тус олган Ўзбекистон — Туркманистон дўстлиги, яхши қўшиқчилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш йўлида муҳим қадам бўлиши таъкидланди. Барча соҳада эришилаётган ижобий суръат ва фаол алоқалар мамнуният билан қайд этилди.

Кўксарой қароргоҳида ўтган олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президентини Сердар Бердимухамедов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот берди.

Президентимиз ушбу тарихий ҳафта ташрифи қардош мамлакатларимизнинг стратегик шериклигини янада мустақамлаш, янги босқичга олиб чиқишга ишонч билдириди.



4

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг тақлидига биноан 3-4 ноябрь кунлари Ижтимоий ривожланиш бўйича кичкинчи жаҳон саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Давлатимиз раҳбари саммитда иштирок этиб, глобал ижтимоий адолатни мустақамлаш бўйича ташаббусларни илгари сурди. Бугун жаҳон ҳамжамияти ва миллий ҳуқуқматлар ижтимоий фаровонлиқни таъминлаш ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш йўлида биргаликда ҳаракат қилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон, ўз навбатида, барқарор тараққиётга эришишга қаратилган халқаро ҳамкорликнинг барча формати ва ташаббусларини доим қўллаб-қувватлашни маълум қилинди.

Президентимиз глобал ижтимоий адолат ва барқарор тараққиётни мустақамлашга қаратилган қатор тақлиф ва ташаббусларни билдирди. Камбағалликка қарши курашишда халқаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

— Ривожланаётган давлатларнинг ижтимоий дастурларига ресурсларни кенг жалб этиш мақсадида камбағалликка

5

Ноябрда мамлакатимиз ички ҳаёти ҳам қизгин воқеаларга бой бўлди. Жумладан, Тиббиёт ходимлари ҳамда Касаба уюшмалари кунини ва Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги кўтаринки рўҳда нишонланди. Ҳар иккала сана муносабати билан Президентимиз соҳа вакилларига табрик йўллади. Шунингдек, Президентимизнинг “Тиббиёт ходимлари кунини муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Бундан ташқари, “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги қарор имзоланди.

Ушбу қарорда давлат тиббиёт муассасалари ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, моддий манфаатдорлигини ошириш, самарали ишлаш учун муносиб шарт-шароит яратишга доир вазифалар ақс этди. Президентимиз 10 ноябрь кунини тиббиёт ва фармацевтика ходимларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони имзолади. Фармонга мувофиқ, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси сифатида қайта ташкил этилди. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг асосий вазифаларидан ташқари Экология қўмитаси “Чикиндидан холи ҳудуд”, “Тоза ҳаво”, “Яшил макон”, “Эко маданият” ва “Био мерос” умумимиллий лойиҳаларини амалга ошириш учун масъул ҳисобланиши белгиланди.

Шунингдек, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам шу санада эълон қилинди. Унда қўллаб муҳим вазифа ва чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилди.

6

Президентимиз раислигида 19 ноябрь кунини камбағалликни қисқарттириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда бу йўналишдаги ишларни қуйида тўғри ташкил қилиш, маҳаллама-маҳалла юриби, янги ташаббусларни топиб, одамлар фаровонлигига масъул бўлган вилоят, туман ҳокимлари ва улар ходимларининг моддий-техник имкониятлари тубдан яхшиланди.

Жорий йил бошидан ишчиласи 4,9 фозга тушди (ўтган йили 5,5 фоз бўлган). Айнақса, Бухоро, Когон, Навоий, Зарафшон, Фогон, Самарқанд, Ширин шаҳарларида ишчиласи 4 фоздан пасайиб, илк бор “табиий ишчиласи” даражасига яқинлашди.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёни билан танишиш ҳамда келгусидаги вазифаларни фаоллар иштирокида белгилаб олиш учун Самарқанд вилоятидаги таърихий давлатимиз раҳбари 25 ноябрь кунини таомилга кўра, Имом Бухорийи мақбарасини зиёрат қилиш билан бошлади.

Президентимиз ташаббуси билан мазкур мажмуа буюк муҳаддис бобомизнинг ислом оламида тутган юксак макъеи, улкан салохиятига муносиб тарзда қайтадан бунёд этилди. Умумий майдони 45 гектарни ташкил этадиган ҳудудда улкан мақбара, 10 минг кишилик масжид ва мамурият биноси, музей, кириш ва

чиқиш айвонлари қурилди. Тўрт бурчагидаги 75 метрли миноралар зиёратгоҳга маҳобат бағишлаган.

Шу кунини Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президентимиз иштирок этди. Самарқанд сўнгги йилларида сиёсий, иқтисодий, туризм ва бизнес марказига, кўплаб йирик халқаро тадбирлар, форум ва анжуманлар учун мулоқот майдонига айлангани қайд этилди.

Республика туманлари ичида аҳолиси энг кўп Ургутда 600 мингдан ортиқ одам истиқомат қилапти. Туман узоқ йиллардан бунён вилоят қишлоқ хўжалигида етакчи. Адир ва тошлоқ ерда Ургут эркин иқтисодий зонаси ташкил қилинган, 860 миллион долларлик 74 та лойиҳа ишга туширилгани натижасида туман саноатлашган ҳудудга айланди.

Ургутда яна бир тарихий воқеа эъ берди — 55 километрни темир йўл линияси ишга туширилди. Ушбу тармоқни электрлаштириш ишлари келаси йили тўлиқ якунига етказилди. Бу, аввало, аҳолига янада қулай шароит яратиш билан бирга саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатишда янги имкониятлар айлантириш очиб берди.

Ҳудудда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, каналлаштириш, ичимлик сув, мактаб, боғча, шифона, бизнес инфратузилмаси билан боғлиқ масалалар ечимини анданан бунён кутаётгани кўрсатиб ўтилди. Шунинг учун Президентимиз Ургут марказига “Янги Ўзбекистон” қиёфасини олиб кириб, юртимиздаги энг замонавий ва кўркам шаҳарлардан бирига айлантириш бўйича алоҳида қарорни имзолади.

Туманининг Қўйи Каманган маҳалласидаги “Янги Ўзбекистон” массивига туташ ҳудуддан 90 гектар қўшмича жой ажратилиб, замонавий урбанистика асосида 100 минг кишига мўлжалланган экошаҳар барпо этилиши эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ургут мисолида имкониятларини таҳлил қилиб, вазиранлар ва ҳокимлар олдида кейинги йил учун аниқ вазифаларини қўйди.

Сессияда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Президентимиз Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига ҳоким вазифасини бажариб келмаган Адиб Бобоев номзодини тавсия этди. Вилоят фаолиятининг номзод ҳақидаги фикрлари тингланган, вилоят ҳокимини тайинлаш масаласи овозга қўйилди. Овоз бериш натижаларига кўра, Адиб Бобоев вилоят ҳокими этиш тасдиқланди.

Президентимиз янги ҳокимига иш ўрни яратиш, камбағалликни қисқарттириш, инвестиция ва экспортни қўлайитириш, тананҳарни камайитириш ҳамда энергия тежамкорлигини ошириш бўйича Самарқандни намунали ҳудудга айлантириш шартлиги борасида кўрсатма ва топшириқлар берди.

7

Ой икки муҳим халқаро тадбир билан ниҳояланган. Президентимиз 28 ноябрь кунини давлат бошчилигидаги Халқаро конгресс марказида бюрократияни бартараф этиш масалаларига бағишланган халқаро форумнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Унда мамлакатимизда аҳоли ва бизнес учун бюрократия, оворачилик ва бошқа мамурий тўсиқларни бартараф этишга устувор аҳамият қарантилаётгани, давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислох қилиш ва рақамлаштириш, давлат органлари фаолиятини мақбуллаштириш, аҳоли билан давлат идоралари ўртасида тўғридан тўғри мулоқот ўрнатилиш бўйича кенг қўллами ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари бугун бюрократияни камайитириш бўйича алоҳида дастур тасдиқлангани маълум қилди. Ушбу ҳужжат, энг аввало, давлат ва аҳоли, давлат ва бизнес ҳамда давлат тузилмасининг ички муносабатларида бюрократияни бартараф этиш, ҳар томонлама қулай давлат хизматлари экотизимини яратишни назарда тутилади.

— Пировард мақсадимиз — 2030 йилга қадар Ўзбекистонни ортиқча бюрократиядан холи бўлган ҳудудга айлантиришдан иборатдир, — деди Президентимиз.

Сўнгра мамлакатимиз етакчиси Халқаро конгресс марказида сунъий интеллект бўйича халқаро форумнинг тантанали очилиш маросимида ҳам иштирок этди. “Бугун биз Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда “Бир Миллон дастури” лойиҳасининг узвий давом сифатида “5 миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасига старт берамиз. Бу оддий дастур эсам, балки ёшларимиз учун янги имкониятлар оламидир”, деди давлатимиз раҳбари.

Лойиҳа доирасида 2030 йилга қадар 4 миллион 750 минг мақаб ўқувчилар ва талабалар, 150 минг нафар ўқитувчилар ҳамда 100 минг нафар давлат хизматчиларини ўқитиш кўзда тутилган.

Қисқаса, кузнинг сўнгги оғи — ноябрь мамлакатимиз ҳаётида унутилмас, тарихий воқеаларга бой бўлди ва яна бир марта исбот талаб этилмайдиган ҳулосаларни тақдим қилди. Дунё ҳамжамияти давлатимиз раҳбари номидан қилган сиёсий ирода ва қатъий позиция замирида халқпарварлик, юрт тинчлиги, барқарорлиги, тараққиётни каби долзарб мақсадлар муважжас эканлиги кўрди. Шунингдек, ишончга йўғрилган барча саяё-ҳаракатлар инсон манфаатлари ва унинг бахтли, фаровон яшашига йўналтирилганига гувоҳ бўлди.

КОНСТИТУЦИЯ — ДАВЛАТ УНЁВИЙ КАФОЛАТИ



ҲАР БИРИМИЗ ОРЗУ ҚИЛИШГА ВА УНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШГА ҲАҚЛИМИЗ

2007 йили Фарғона шаҳрида дунёга келганман. Отам ҳуқуқшунос, онам ҳамшира. Айнан ҳалоллик, меҳнат ва билимга интилишни қадрлайдиган оддий оилада ўсиб, улғайдим. Отамнинг ўрнаги ва мактабдаги дастлабки ютуқларим кейинги йўлимни белгилаб берди: ўзимни ҳуқуқ, адолат ва давлат хизматига бағишлаш ниятида эканимни англадим.



Оятулла АНВАРОВ,
“Эл-юрт умиди”
жамғармаси стипендианти

Ҳуқуқлилик, шаффофлик ва ҳалол рақобат тамойиллари амалда қандай ишлаганини кўрдим. “Эл-юрт умиди” жамғармаси

стипендианти бўлиш мен учун катта шараф. Бундан-да каттароғи Ватан, оила ва давлат яратадиган янги имкониятлар тизими олдидаги масъулиятдир. Айни пайтда Буюк Британиянинг Бирмингем университетиде таълим оляпман. Бу ерда назария амалиёт билан уйғунлашади, билим эса давлат бошқаруви раҳбарларини шакллантиришга хизмат қилади. Халқаро ҳуқуқ, конституциявий ҳуқуқ, давлат бошқаруви, ҳуқуқий таҳлил ва қарор қабул қилиш усулларини чуқур ўрганилман. Чунки ишончим комил: кучли ҳуқуқий тизим кучли давлатнинг асосини ташкил этади. Қонун устуворлигини мустаҳкамлайдиган, давлат бошқарувини такомиллаштирувчи, адолатли, очиқ ва замонвий давлат бошқаруви тизимини яратадиган ислохотларга муносиб иштирокчи бўлишни истаётман. Мамлакатимизга янги авлод — ҳалол, билимли, принципал ҳуқуқшунослар керак. Мен ҳам улардан бири бўламан!

ҚОНУН ҲИМОЯСИДАГИ ТИЗИМНИНГ ЭРТАСИ ЁРУҒ

Динара ЮЛДАШЕВА,
“V STRANE ZNANIY1-FERGANA”
нодавлат МТТ раҳбари



Янги таҳрирдаги Конституциямизда инсон кадри ҳар нарсадан устунлигига бирламчи эътибор қаратилган. Албатта, шахснинг шаклланиши, жамиятда муносиб ўрин топишини таълим тизимисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бош қонунимизнинг 50-, 51-, 52-моддаларида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга экани кафолатланган. Шунингдек, давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаши, мактабгача таълим-тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши белгилаб қўйилган. Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратида экани қонун билан мустаҳкамланган.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимиз аҳолисининг 3,2 миллиони 3-7 ёшли болалардан иборат. 2017 йилда боғчаларга

қамров даражаси 30 фоизга ҳам етмагани, бугун ушбу рақам икки баробардан ортиб кетганини ҳамма кўриб-билиб турибди. Қамровнинг қарийб 78 фоизга яқинлашиб қолганида нодавлат секторнинг ўрни катталигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аслида ҳам давлат мактабгача таълим ташкилотлари (МТТ) билангина қамровни бу даражада ошириб бўлмайди. Бу эса биз, тадбиркорларга оилавий, хусусий, давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишга кенг йўл очди. Аввал нодавлат МТТ очмоқчи бўлган тадбиркор бу тилак ҳужжатини тегишли ташкилотларга олиб бориши, ойлаб куттиши, қисқача айтганда, узоқ вақт сарсон бўлар эди. Қайта-қайта пул сарфланар, вақтдан ютқазиларди. Ҳозир эса ҳаммаси қулай. Барчаси



Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли. Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиши ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддаси)

ИЛМ ЭРКИНЛИГИДАН МОСУВО ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТДАН ОРТДА ҚОЛАДИ



Дилшод РУСТАМОВ,
филология фанлари доктори

Ишончини мустаҳкамлаб, имкониятлар тенглигини янада таъминлаш. Ушбу жараёнлар ҳудудлардаги олий таълим муассасаларида ҳам ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Жумладан, Андижон давлат чет тиллар институтига 2024/2025 ўқув йили учун 192 абитуриент давлат гранти асосида талабалikka қабул қилинган бўлса, 2025/2026 ўқув йилида бу кўрсаткич тўлиқ ва қисман давлат грантлари ҳисобидан 245 нафарга етди. Бу ўтган йилга нисбатан сезиларли ўсиш бўлиб, давлатнинг чет тиллар таълимига, тил компетенцияларини ривожлантиришга қаратаётган эътиборининг ҳудудий даражадаги ёрқин намунасидир. Бундан ташқари, институтига алоҳида имтиёз асосида қабул қилинган талабалар сони ҳам кўрсаткичлар ўсишида муҳим ўрин тутди. Ўтган ўқув йилига нисбатан ушбу йўналиш бўйича қабул қилинаётган талабалар улushi 10 фоиз ошгани, таълимнинг инклюзив ва ижтимоий адолатга асосланган ёндашувларини амалий жиҳатдан кучайтираётганининг далилидир. Бу натижалар нафақат институтининг ўқув-тарбиявий ишларидаги юксалишини, балки Конституциямизда белгиланган тенг таълим ҳуқуқи тамойилларининг ҳудудларда ҳам изчил амалга ошаётганини кўрсатади.

Конституцияда мустаҳкамланган академик эркинлик тамойили олий таълим тизимида сифат жиҳатдан янги босқични юзага келтирди. Бугун профессор-ўқитувчилар ўқув дастурларини халқаро талабларга мос равишда мустақил янгилаш, таълим жараёнига интерактив ёндашувлар, медиа-саводхонлик технологияларни, фанларно таълим платформаларини таъбиқ этиш имкониятига эга. CEFR, EQF, Болоня талаблари асосида ўқув режалари ва дастурларининг қайта кўриб чиқиши натижасида таълим сифати сезиларли даражада ошди. Республикаимиздаги 80 дан ортиқ олий таълим муассасаси халқаро аккредитациядан ўтиш жараёнини бошлаган ёки яқунлаган. Бу жараён замирида айнан академик эркинликнинг конституциявий кафолати мужассам. Конституцияимизнинг 51-моддасидаги энг долзарб ва стратегик аҳамиятга эга тамойиллардан бири тадқиқотлар ўтказиш эркинлигининг конституциявий даражада мустаҳкамланганидир. Бугун мамлакатимиз илмий муҳитида содир бўлаётган туб ўзгаришлар — айнан шу эркинликнинг амалий кучи ва давлат томонидан илмга берилётган юксак эътиборнинг ёрқин ифодаси. Бугунги тараққиёт таълимнинг ақш, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Германия, Сингапур, Канада каби мамлакатлар иқтисодий юксалиши асосида айнан тадқиқотлар эркинлиги, илм-фан ва инновацияга қим муҳит, университетларнинг мустақиллиги ётишини кўрсатди. Ўзбекистон ҳам бугун ана шу стратегик йўлдан дадил бормоқда. Илмий даража бериш тизимининг халқаро стандартларга мослашуви, докторантура институти такомиллашуви, илмий лойиҳалар сони кескин ошгани — буларнинг барчаси илм-фанга устувор йўналиш сифатида қаралаётганини тасдиқлайди. Статистик маълумотларнинг ўзи ҳам илм-фаннинг кучайиб бораётганини яққол тасдиқлайди. Сўнгги уч йилда халқаро илмий лойиҳалар сони икки баробардан ортди. Биргина Эрасмус+ дастури доирасида 2020-2023 йилларда Ўзбекистон ОИМлари 130 дан ортиқ халқаро ҳамкорлик лойиҳаларида иштирок этгани халқаро интеграция суръати нақадар шиддатли эканини кўрсатади. 2023 йилда республикамиз олимлари томонидан Scopus ва Web of Science базаларида 9000 дан зиёд мақола чоп этилди. Бу 2016 йилга нисбатан 4 баравар кўп дегани. Рақамлар ортида

БУГУННИНГ ЎҚИТУВЧИСИ ФАҚАТ ЎҚИТАДИ

Азима ЮНУСОВА,
Қўшработ туманидаги
51-мактаб ўқитувчиси



Мамлакатимиздаги энг кутлуғ саналардан бири бўлган 8 декабрь ҳар йили болалар боғчаларидан тортиб, таълимнинг барча бўғинида кенг ишонланади. Жумладан, мактабларда ҳам бу сана уюносабати билан турли тадбирлар ўтказилади. Конституцияимизнинг фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, бурч ва масъулиятини англаштидаги мавқеи ва аҳамияти ҳақида айтилади. Ҳеч кимнинг таълим олиш ҳуқуқи чекланмаслиги, ўқитиш билан боғлиқ ишлар давлат назоратида экани юзасидан тушунча берилади.

Чиндан ҳам таълимга алоҳида эътибор биз, ўқитувчиларнинг ҳаётдан рози бўлиб, касбимизни севиб ишлашимизда муҳим омил бўлган. Ўзим халқаро тоифали инглиз тили фани ўқитувчисиман. Бухоро вилояти Қорақўл туманидан кўчиб келиб, Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманидаги олис ҳудудда — туман марказидан 70 километр узоқда жойлашган мактабда инглиз тилидан дарс беришман. Бунга Президентимизнинг 2021 йил 11 январдаги “Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асос бўлди. Мамлакат бўйлаб мен каби олис ҳудудларга бориб ишлаётган ҳамкасбларим кўплаб топилди. Кимдир Андижондан Сурхондарёга, яна кимдир Хоразмдан Фарғонага бориб, исталган олис ҳудудга қулай шaroитда, эмин-эркин ишлашди. Бу — аввал бўлмаган таъриба. У тўғрисида билим кўрсаткичи паст бўлган, қизил тоифага киритилган қанчадан-қанча мактабнинг сифат кўрсаткичи ортапти. Нафақат илмий жиҳатдан, балки моддий-техник база жиҳатидан ҳам мактабларнинг шароити аввалгидан кескин яхшилانган. Хусусан, мен ишлаётган мактаб ҳам ўтган йили қайта таъмирланган, фойдаланишга топширилди. Замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Мактаб таълимига эътибор ҳар қачонгидан зиёд бўлгани боис бугун оддий муаллимлар ҳам 1000-2000 доллар қўймагидега маош олиб ишлашди. Юқори маошга эга 60 мингдан зиёд ўқитувчи орасида мен ҳам борлигим учун беадад шўқр қиламан. Бугун ўқитувчи ўз номи билан фақат ўқитади, таълим беради. Обруси қонун билан ҳимоя қилинапти. Шунингдек, соҳа тарихида бўлмаган имкониятлар берилмоқда. Биласизми, менинг бирдан-бир орзум шахсий уй сотиб олиш эди. Фарзандларимиз билан ижарада яшаб жуда қийналгандик. Энди давлатимиз ўқитувчиларга яратётган имтиёз тўғрисида ўз уйим бўлади. 20 миллион сўмдан зиёд маош олаётган ўқитувчи бемалол ипотека кредитини ҳам тўлайди, оила бюджетига сармоҳ ҳам киритади. Бу янги Ўзбекистонимиз бизга туҳфа қилган улкан имкониятдир.

Мулоҳаза

ИДРОК ВА ШУУР БАҲСИ

СУЊИЙ ИНТЕЛЛЕКТ УСТОЗ ЎРНИНИ ТўЛА БОСА ОЛАДИМИ?

Бугунги глобаллашув жараёнлари ва шиддат билан ўзгариб бораётган замонавий дунё манзараси инсоният олдида қутилмаган ва жиддий саволларни кўздан кўриб қўймоқда. Инсон тафаккури маҳсули бўлмиш технологиялар, хусусан, суўий интеллектнинг мислсиз ривожланиши нафақат ишлаб чиқариш ёки иқтисодий, балки жамиятнинг энг нозик бўғини саналган таълим тизимини ҳам тубдан ўзгартириб юборишга даъво қилаётир.

Шу ўринда тарихимизга, буюк мутафаккирларимиз меросига назар солиш айни мудо. Бобоклонимиз Муҳаммад ал-Хоразмий математик аниқлики юксак қадрлаган бўлса-да, инсоний камолотни ҳамма нарсадан устун қўйган. Шарқ фалсафасида илм ва одоб тушунчалари доимо эгизак қадриятлар сифатида талқин қилинган. Агар илм ақлнинг чироғи бўлса, одоб қалбнинг безагидир. Борди-ю, биз таълим жараёнини тўлиқ автоматлаштирсак, ўқувчиларга фақат “чироқ”ни бериб, уларни “безак”дан маҳрум қилган бўламиз. Натигада энг замонавий билимларга эга бўлса-да, бироқ қалби қашшоқ, ўзгалар дарадига бефарқ ва жамият манфаатларид

сидаги изтиробларини, Чўлпоннинг миллат қайғусида битган сатрларидаги оловни ўқувчи қалбига фақат юраги уриб турган, шу тупроқнинг иссиқ-совуғини татиغان муаллимгина сингдира олади. Миллий ўзлиқни англаш, ор-номус ва андиша каби ўзбекона тушунчалар борки, уларни ҳеч қандай дастурий қодга айлантириб бўлмайди. Булар қондан қонга, жондан жонга ўтайдиган муқаддас қадриятлардир.

Яна бир муҳим жиҳатни назардан қочирмаслик лозим, у ҳам бўлса ўқувчининг руҳий-психологик ҳолати ва шахсий фожиялари билан ишлаш масаласидир. Мактаб ёшидаги бола ўли шаклланиб улгурмаган ниҳолга долзарб аҳамият касб этмоқда. Интернет турли ёт гоёлар, зўравонликни тарғиб қилувчи контентлар ва миллий менталитетимизга зид ахборотлар билан тўлиб-тошган. Ёш, ҳали дунёқароши тўлиқ шакланмаган авлод суўий интеллект тақдим этган ҳар қандай маълумотни мутлақ ҳақиқат ўлароқ қабул қилиши мумкин. Айнан шу нуқтада ўқитувчи ўқувчида танқидий фикрлаш, оқни қорандан ажратиш ва ҳар қандай ахборотга таҳлилий ёндашиш кўникмасини шакллантиради. Бизга шунчаки маълумотлар базаси эмас, балки ўша маълумотлардан тўғри хулоса чиқарадиган, мустақил фикрли шахслар керак.

Бугун илгари сурилаётган Учинчи Ренессанс гоёси негизда ҳам айнан маърифатли жамият ва юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш мақсади ётади. Шу ўринда “устоз-шоғирд” аънасининг жамиятимиздаги ўрни ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Бу шунчаки таълим бериш шакли эмас, балки Шарқ халқларига хос ноёб ижтимоий институтдир. Устоз нафақат хунар ўргатади, балки шоғирдининг ҳаёт йўлини белгилашда, жамиятда ўз ўрнини топишида маънавий ота вазифини бажаради. Суўий интеллект сизга мукамал қод ёзишни ёки чет тилини ўргатиши мумкин, лекин ҳаётини доғимандликни, сабр-қаноатни ва инсонийлик бурчини ўргата олмайди. Бизнинг мақсадимиз технологик жиҳатдан саводли, шу билан бирга, миллий қадриятларга содиқ, ота-онасини ҳурмат қиладиган ва ватани олдидаги бурчини чуқур ҳис этадиган комил инсонни вояга етказишдир.

Дунё таърибига назар солсак, Япония ёки Финляндияда технология энг юқори даражада ривожланган бўлса-да, у ерда муаллимнинг жамиятдаги обрўси ҳамон энг юқори поғонада турибди. Чунки улар технология инсонини ёлғизлатиб қўйиши, жонли мулоқот етишмаслиги эса жамиятда депрессия ва ўз жонига қасд қилиш каби аянчли ҳолатлар кўпайишига олиб келишини чуқур англаб етган. Мактаб фақат билим оладиган жой эмас, балки ижтимоийлашув маскани, яъни боланинг жамият аъзоси сифатида шаклланиш ҳудудидир. Бу ерда ўз ўрнини топиши, жамоа бўлиб ишлаши, ниҳоларни тинч йўл билан ҳал этиши ва ўзгалар фикрини ҳурмат қилиши ўргатади. Суўий интеллект воситасида уйдан чиқмай таълим олган бола келажакда одамлар билан мулоқотда қиринишда жиддий қийинчиликларга дуч келиши, ўзини жамиятдан ажратган ҳолда ҳис қилиши илмий тадқиқотларда ўз тасдиғини топмоқда. Шунинг учун жонли мактаб ва жонли муаллим ҳар қандай даврда ҳам инсониятнинг энг муҳим аъзиёби бўлиб қолаверади.



Қамариддин КОМИЛОВ, техника фанлари номзоди, доцент

Илм-фан ақли, файласуфлар ва педагоглар ўртасидаги қизгин баҳс-мунозаралар майдонида икки кўтб шакланган кузатилмоқда: бир томон технологик детерминизм гоёсига таяниб, яқин келажакда “темир ўқитувчилар” жонли муаллимларни тўлиқ сиқиб чиқаришни башорат қилса, иккинчи томон инсон омилининг ўрнини ҳеч қандай алгоритм боса олмаслигини қатъий таъкидламоқда. Мазкур масала шунчаки техник янгилик эмас, балки миллат келажаги, маънавият ва инсонийлик тақдирини билан боғлиқ жиддий ижтимоий ҳодиса ҳисобланади.



Авалло, вазиятга ҳолис ва илмий нуқтан назардан ёндашадиган бўлсак, суўий интеллектнинг имкониятларини инкор этиш но-донлик бўлар эди. Рақамли технологиялар тез ишлаш, миллионлаб манбаларни бир сонияда қиёсий таҳлил қилиш ва энг мақбул ечимни тақдим этиш салоҳиятига эга. Айниқса, аниқ фанлар, дастурлаш, муҳандислик чизмалари ва мураккаб биологик жараёнларни моделлаштиришда суўий онгнинг бекиёс кўмагини рад этиб бўлмайди. Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам мавжудки, айнан шу нуқтада техник таракқиётнинг чегаралари яққол кўзга ташланади. Таълим шунчаки ахборот узатиш эмас, балки энергия, ҳаётини тарғиб ва руҳий ҳолат алмашинувини ўз ичига олган икки томонлама жараёндир. Суўий интеллект қуруқ маълумотни етказишда инсонни орта қолдириши мумкин, аммо у ўқувчининг кўзигади уқунини, овозидан титроқни ёки юзиданги яширин хавотирини пайқаш қобилиятини маҳрум.

Унинг ҳаётда оилавий келишмовчиликлар, ўсимликлар даври инқирозлари ёки ўзига ишонмаслик ҳолатлари тез-тез учраб туради. Бундай вазиятга унга совуқ экран ва бехато ишлайдиган робот эмас, балки бошини силайдиган, дардини эшитадиган ва тўғри маслаҳат берадиган инсон керак бўлади. Педагогикада “эмпатия” деган тушунча мавжуд бўлиб, у ўзини бошқанинг ўрнига қўй олиш қобилиятини англатади. Суўий интеллектда эса эмпатия йўқ, унда фақат симуляция бор. Симуляция қилинган ҳамдарлик эса ҳеч қачон ҳақиқий инсоний меҳрининг ўрнини боса олмайди. Шу сабабли синфхонадаги муҳитни ҳис қилиш, керак бўлса, дарс режисини бир четга суриб, ўқувчилар билан дилдан сўхбатлашиш фақат устозгагина ҳосил қилинади.

Педагогик фаолиятнинг яна бир қирраси ижодкорлик ва қутилмаган ечимлар билан боғлиқ. Суўий интеллект қанчалик ривожланган бўлмасин, у барибир аввалдан қиритилган маълумотлар базаси асосида ишлайди, яъни “қолип” ичиде фикрлайди. Ҳақиқий ҳақиқиятлар, санъат асарлари ва инновацион гоёлар эса кўпинча қолиплари бузиш, мантисиздек туюлган нарсаларни бирлаштириш орқали дунёга келади. Инсон мияси ассоциатив фикрлаш, интуитив сезиш ва илҳомланиш хусусиятига эга. Ҳақиқий ўқувчидаги мана шу учқунни кўра олади ва уни аланга олдиради. Машина эса ностандарт фикрлаган болани кўпинча “хато қилувчи” деб баҳолаши мумкин. Тарихда кўп қабил даҳо олимлар мактаб дастурига сиймаган, уларни фақат ўз ишининг фидойисини бўлган устозларгина қашф эта олан. Демак, ижодий тафаккурни ривожлантиришда инсон омили қилувчи куч бўлиб қолаверади.

Дунё таърибига назар солсак, Япония ёки Финляндияда технология энг юқори даражада ривожланган бўлса-да, у ерда муаллимнинг жамиятдаги обрўси ҳамон энг юқори поғонада турибди. Чунки улар технология инсонини ёлғизлатиб қўйиши, жонли мулоқот етишмаслиги эса жамиятда депрессия ва ўз жонига қасд қилиш каби аянчли ҳолатлар кўпайишига олиб келишини чуқур англаб етган. Мактаб фақат билим оладиган жой эмас, балки ижтимоийлашув маскани, яъни боланинг жамият аъзоси сифатида шаклланиш ҳудудидир. Бу ерда ўз ўрнини топиши, жамоа бўлиб ишлаши, ниҳоларни тинч йўл билан ҳал этиши ва ўзгалар фикрини ҳурмат қилиши ўргатади. Суўий интеллект воситасида уйдан чиқмай таълим олган бола келажакда одамлар билан мулоқотда қиринишда жиддий қийинчиликларга дуч келиши, ўзини жамиятдан ажратган ҳолда ҳис қилиши илмий тадқиқотларда ўз тасдиғини топмоқда. Шунинг учун жонли мактаб ва жонли муаллим ҳар қандай даврда ҳам инсониятнинг энг муҳим аъзиёби бўлиб қолаверади.

Суўий интеллект даврида ўқитувчининг роли қамаймайди, аксинча, янада мураккаблашади ва масъулиятни ортади. Энди муаллимдан шунчаки билим берувчи ретранслятор эмас, балки ахборот океанида тўғри йўлни кўрсатувчи маёқ, ўқувчининг руҳий дунёсини асровчи қалқон ва унинг шахсиятини камол топтирувчи меъмор бўлиш талаб этилади. Технология қанчалик ривожланмасин, жамият ҳаётда муаллимнинг ўрни қўёш каби сунмас ва абадий бўлиб қолиши мумкин. Чунки машина инсонни енгилаштириши мумкин, лекин унинг ўрнини босишга, ундаги шур ва қалб ҳароратини яратишга қодир эмас. Бизнинг вазифамиз илмий таракқиёт ютуқларидан оқилона фойдаланган ҳолда, таълимда инсонийлик омилини сақлаб қолиш ҳамда келажак авлодини ақли ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашдан иборатдир. Ўзбекистоннинг ёруғ келажаги ҳам айнан ўз касбини фидойилик билан бажараётган, замон билан ҳамнафас, аммо миллий ўзлигига содиқ муаллимлар кўлида эканини унутмаслигимиз зарур.

Табиатни асрайлик!

ЁҚИЛГАНИ — ХАВФ, КЎМИЛГАНИ — КОНИ ФОЙДА

Дарахт барглари йил давомида турли заҳарли газлар, чанг ва оғир металл зарраларини ютиб, атмосфера ҳавосини доимий равишда кистород билан бойитиб туради. Бироқ ҳар бир мавсумнинг қизига хос жараёни бор. Хазонрези фасли келиши билан йил давомида ўз вазифини сидқидилдан адо этган барглар сарғайиб, тўкилади. Бир қарашда куз фаслида бог ва кўчаларда ер юзига гиламдай ёйилган барглр табиатга ўзгача гўзал манзара бағишлайди. Лекин ушбу манзарали “хазон пойндози” билан муомала қилиш анча вақт ва меҳнат талаб қилади.

Айниқса, шаҳар шароитида тозалик мақсадида қуриган барглари йнгиб, ёкиб юбориш ҳолатлари тез-тез кузатилади. Афсуски, бунда кўпинча барг билан бирга пластик чиқиндилар, полиэтилен пакетлар ва бошқа суўий материаллар ҳам оловга ташланади. Бунинг оқибатида ҳавога турли заҳарли моддалар тарқалиб, биз нафас олаётган муҳитда гўё “заҳарли туман” ҳосил бўлади. Бу эса нафақат табиатнинг ўзига, балки инсон саломатлигига ҳам катта зарар етказиши.

Тиббий маълумотларга кўра, тугундаги зарарли моддалар, аввало, ўпкани зарарлаб, кейинчалик қон айланиш тизими орқали бутун организмга тарқалади. Шу боис, нафақат ўпка, балки буйрак, жигар, бош мия ва асаб тизими ҳам жиддий таъсирга учрайди. Шунинг учун барг ва чиқиндиларни ёкиш шунчаки оддий одат эмас, балки табиат ва саломатлигимизга қарши содир этилаётган энг катта хатарлардан бири эканини англашимиз лозим.

Барглр, шох-шаббалар ёки бошқа ўсимлик қолдиқларини ёкиш ортидан ҳавога тарқаладиган тугун инсон саломатлиги учун жиддий хавф тугдиради. — дейди эколог Нарзулла Қувондиқов. — Айнан шундай салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида экология соҳаси ходимлари томонидан доимий равишда огоҳлантириш ишлари олиб боришмоқда. Улар аҳоли ва фермерларга ўсимлик қолдиқларини ёкиш ортиқча хавф тугдиришини, бундай ҳолатларга мултоққа йўл қўйилмаслигини эслатиб келмоқда.

Кўнунчиликда ҳам бу масала қатъий тартибга солинган. Хусусан, дала ёки аҳоли пунктларида ҳазон, шох-шаббалар ёки ўсимлик қолдиқлари ёқилиши аниқланса, буларни содир этганлар жаримага тортилади. Ушбу тартиб жорий қилиниши аҳолининг экологик маданиятини ошириш, атроф-муҳит ва инсон саломатлигини асрашга қаратилган. Шундай экан, ҳар биримиз табиатга бефарқ бўлмаслигимиз, ўсимлик қолдиқларини ёкиш каби хавфли амалларга йўл қўйилмаслигимиз лозим.

Атмосфера Ер шарини ўраб турган ҳимоя қатлами бўлиб, у тирик организмларни турли ультрарадиация нурлар ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилади. Бошқача айтганда, бизнинг ҳаёт кечирилишимиз, тоза ҳаводан нафас олишимиз ҳам шу қатламга боғлиқ. Англашимиз лозимки, ҳазонни ёкиш каби амаллар ана шу ҳимоя қатлами учун энг катта хатарлардан бири. Шу боис, уларнинг олдини олиш ва эҳтиёт чораларини кўриш жуда муҳим. Чунки бу нафақат ҳимоя тизими самарадорлигини сақлаб қолишга, балки келажакдаги эҳтимолий хатарларни ҳам қамайтиришга хизмат қилади.

